

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ акциядорларининг ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ

Ўтказиш санаси: 2023 йил 23 июн.

Ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли 3-тор кўчаси, 163 уйда жойлашган “O`ZVAGONTA`MIR” АЖ Марказий аппарати биноси.

Ўтказиш вақти: соат 16:00 да.

“O`ZVAGONTA`MIR” АЖ (кейинги ўринларда – жамият) бош директори в.б. Ш.Д. Исмаилов Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини очиш учун акциядорларни рўйхатга олиш натижаларини, кворум бор-йўқлигини кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлаб, сўзни санок комиссияси раиси А.П. Генжебаевга берди.

Санок комиссияси раиси А.П. Генжебаев Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг акция эгалари реестрига асосан шакллантирилган рўйхати 2023 йил 20 июнь ҳолатига ёпилганлиги, рўйхатга 2 968 227 дона овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг эгалари бўлган 25 775 та акциядор киритилганлиги тўғрисида маълумот берди.

Санок комиссиясининг маълумотига асосан йиғилишга 2 672 295 дона овоз бериш ҳуқуқига эга акцияларнинг эгалари бўлган 3та акциядор келган ва бу жами жойлаштирилган акцияларнинг 90,03 фоизини ташкил этади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун етарли кворум мавжуд.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун етарли кворум мавжуд бўлганлиги сабабли акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини очиш тўғрисида таклиф билдирилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш очик деб эълон қилинди.

Йиғилишга таклиф қилинганлар:

1.	М.Т. Асқаров	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ваколатли вакили
2.	Ш.Д. Исмаилов	Жамият бош директори в.б.
3.	Т.Р. Хамдамов	Жамият ишлаб чиқариш ва маркетинг бўйича директор в.б.
4.	М.С. Сайдабаров	Жамият бош ҳисобчиси
5.	А.П. Генжебаев	Жамият стратегик режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи
6.	А.А. Шакиров	Тафтиш комиссияси раиси
7.	Б.Н. Назаров	“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг раҳбари
8.	Ғ.П. Турсунов	“Silk Capital” МЧЖ баҳолаш ташкилоти баҳоловчиси

Ш.Д. Исмаилов куйидаги йиғилиш раиси ва котибини сайлашни таклиф қилди:

М.Т. Асқаров – йиғилиш раиси

Э.Ж. Холбоев- йиғилиш котиби

Рўйхат бўйича овозга қўйилди.

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.
Қаршилар – 0 овоз
Бетарафлар – 0 овоз.
Бир овоздан қабул қилинди.

Қарор қилинди: М.Т. Асқаров–йиғилиш раиси этиб ва Э.Ж. Холбоев–йиғилиш котиби этиб сайлансин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиби:

- 1 Санок комиссияси таркибининг сони ва номзодларини тасдиқлаш.
- 2 Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш.
- 3 Жамият бош директорининг 2022 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари ва бизнес режани бажариш бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
- 4 Жамиятнинг 2022 йил яқунлари бўйича йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
- 5 Жамиятнинг 2022 йил учун молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текшируви яқунлари бўйича ташқи аудиторининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
- 6 Жамият Тафтиш комиссиясининг 2022 йил яқунлари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
- 7 Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йилда амалга оширилган ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
Жамиятнинг 2023 йил яқунлари бўйича фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш учун
- 8 аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматларига тўланадиган тўловнинг максимал миқдорини тасдиқлаш тўғрисида.
- 9 Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтириш тўғрисида.
- 10 Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтириш тўғрисида.
- 11 Акциядорлик жамиятининг 2022 йил яқунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
Яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи – бош директори билан тузилган
- 12 меҳнат шартномасини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача узайтириш тўғрисида.
- 13 Жамиятнинг 2022 йилдаги асосий фаолият кўрсаткичларининг бажарилишини тасдиқлаш тўғрисида.
Молиявий–хўжалик фаолиятининг 2022 йил яқунлари юзасидан жамиятда
- 14 корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
- 15 Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисида.
Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда жорий
- 16 хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аффилиланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масалалар бўйича:

1. Кун тартибидаги санок комиссияси таркибининг сони ва номзодларини тасдиқлаш тўғрисидаги биринчи масала юзасидан Э.Ж. Холбоев сўзга чиқиб, қуйидаги номзодларни санок комиссиясини қуйидаги таркибда тасдиқлашни таклиф қилди:

1. Генжебаев Абат Парахатович;
2. Сайдабаров Музаффар Саидрасулович;
3. Ходжаева Наргиза Улугбековна.

Шунингдек, сўзга чикувчи акциядорларга акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилиниб, кўриб чиқилгандан кейин санок комиссиясига овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва йиғилишда эълон қилиш учун 10 дақиқа вақт беришни таклиф қилди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

2. Кун тартибидаги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги иккинчи масала юзасидан Э.Ж. Холбоев сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлашни таклиф қилди:

- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 10 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 5 дақиқагача;

- муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш.

М.Т. Асқаров кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш “бир овоз бериш ҳуқуқига эга акция – битта овоз” тамойили бўйича бюллетенлар орқали овоз бериш йўли билан амалга оширилишини таъкидлади.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

3. Жамият бош директорининг 2022 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари ва бизнес режани бажариш бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги учинчи масала юзасидан жамият бош директори в.б. Ш.Д. Исмаилов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига 2022 йил бизнес-режасида кўзланган асосий ҳажм, молиявий кўрсаткичлар ва техник дастурларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ раҳбарияти томондан тасдиқланган режага мувофиқ ҳолда иш олиб борилганлигини ҳамда узлуксиз ўсиш суръатлари барқарорлигига эришилганлигини маълум қилди. *(ҳисобот илова қилинади).*

Жамият бош директорининг ҳисоботи эшитилгач, акциядорларга 2022 йил бизнес-режасида кўзланган асосий ҳажм бажарилганлиги ва жамиятнинг йил яқунлари бўйича фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари 112,4 фоизга бажарилганлигини инобатга олган ҳолда, жамият бош директорини 2022 йил яқунлари бўйича 8 000 минг сўм миқдорида 1 марталик рағбатлантиришга ҳамда ҳисоботни маълумот учун қабул қилиш ва тасдиқлаш, таклиф қилинди. Бош директорга 2022 йил яқунлари бўйича бошқарув аъзоларини рағбатлантириш масаласини ички тартибда кўриб чиқиш тавсия этилади.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

4. Кун тартибидаги жамиятнинг 2022 йил яқунлари бўйича йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисидаги тўртинчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси М.С. Сайдабаров сўзга чиқди. 2022 йил якунига асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 17 544 938 минг сўмни, эскириш суммаси 10 551 753 минг сўмни ташкил этганини маълум қилди. Жами жорий активлар 13 143 857 минг сўмни, шундан товар-моддий захиралари 6 914 767 минг сўмни, дебитор қарздорлик 5 624 675 минг сўмни ташкил этишини таъкидлади. Йил якунига жамиятнинг жами пул маблағлари 604 415 минг сўмни ташкил этди. Ўз маблағлари манбалари йил бошидаги кўрсаткичдан 120 808 минг сўмга кўп бўлиб, 6 735 424 минг сўмни ташкил этди. Ҳисобот йили якунига жамиятнинг кредиторлик қарздорлиги 13 601 798 минг сўмни ташкил этди.

Хизмат кўрсатишдан тушган соф тушум 67 966 349 минг сўмни, ишлаб чиқариш таннари 61 872 152 минг сўмни, шунингдек давр харажатлари жами 9 375 780 минг сўмни, шу жумладан жами харажатларнинг 47,51% ёки 4 455 093 минг сўмни маъмурий

харажатлар ташкил этди. Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда 314 496 минг сўми, соф фойда эса 259 895 минг сўми ташкил этди. *Йиллик ҳисобот, бухгалтерлик баланси, жамиятнинг 2022 йил учун фойдалари ва зарарлари ҳисоботи илова қилинади.*

Жамият бош ҳисобчисининг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш ва тасдиқлаш таклиф қилинди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

5. Кун тартибидаги жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини 2022 йилда аудиторлик текшируви натижалари бўйича жамият ташқи аудиторининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги бешинчи масала юзасидан “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг раҳбари Б.Н. Назаров сўзга чиқиб, “NAZORAT-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви хулосасини йиғилганларга ўқиб эшиттирди. Хулосада 2022 йил 31 декабр ҳолатига жамиятнинг молиявий ҳисоботи жамият молиявий ҳолатини, молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини, барча муҳим жихатларини, ишончлилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бериши акс эттирилганлигини маълум қилди. *(Аудитор хулосаси илова қилинади).*

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

6. Кун тартибидаги жамият Тафтиш комиссиясининг 2022 йил якунлари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги олтинчи масала юзасидан А.А. Шакиров сўзга чиқиб, Тафтиш комиссиясининг хулосаси билан таништирди *(хулоса илова қилинади).*

Акциядорлик жамиятининг 2022 йилдаги фаолияти натижаларига кўра молиявий – иқтисодий кўрсаткичларида қуйидагилар аниқланди. Унга кўра, жамият тўловга лаёқатли, ўзининг айланма активлари билан таъминланган, рентабелликга эга, молиявий хавфга эга эмас ва асосий воситалар сезиларли даражада эскириши билан тавсифланади.

Жамият молиявий ҳисоботларининг тафтиш комиссияси томонидан текширувлари натижаларига кўра, 2022 йил бухгалтерия ҳисоботи жамиятнинг 2022 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган даврдаги молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини аниқ акс эттириши аниқланди. *(хулоса илова қилинади).*

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

7. Кун тартибидаги жамият Кузатув кенгашининг 2022 йилда амалга оширилган ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги еттинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси М.Т. Асқаров сўзга чиқди.

Жамият Кузатув кенгаши томонидан 2022 йилда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- ҳар чоракда акциядорлик жамияти бош директорининг Жамият бизнес режаси бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди, Ижро этувчи органга кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, соф фойда, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш бўйича тегишли тавсиялар берилди;

- 2022 йил 1 декабрга қадар жамиятнинг 2023 йилги бизнес режаси тасдиқланди;

- 2023 йил учун жамият Кузатув кенгашининг иш режаси тасдиқланди. *(ҳисобот илова қилинади).*

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

8. Кун тартибидаги акциядорлик жамиятининг 2023 йил якунлари бўйича фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган тўловнинг максимал миқдорини тасдиқлаш тўғрисидаги саккизинчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси М.С.Сайдабаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли Фармониغا

биноан барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботларни эълон қилиши ва уларни Халқаро аудит стандартлари ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиши белгиланган. Фармон талабини бажариш учун жамият ҳисобчиларини 2023 йил давомида Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МСФО) бўйича бухгалтерия ҳисобини олиб бориш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун ўқитиш, Халқаро аудит стандартларига (МСА) кўра 2023 йил учун ташқи аудитни ўтказиш ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (МСФО) мувофиқ 2023 йил молиявий ҳисоботларини эълон қилиши лозим.

Жамиятнинг 2023 йил фаолиятни ташқи аудиторлик текширивудан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан лицензияланган 3 та аудиторлик ташкилотидан қуйидаги тижорат таклифлари келиб тушган:

1. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Госпиталь бозори кўчаси, 11/2 уйда жойлашган, барча хўжалик юритувчи субъектларда аудит текширувлар ўтказиш учун 2019 йил 11 апрелда 00811-сонли лицензия берилган «NAZORAT-AUDIT» МЧЖдан Аудит фаолияти миллий стандарти (НСАД) аудит ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МСФО), халқаро аудит стандартлари (МСА) бўйича аудитлар учун умумий **110,0** млн.сўм ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хизматлар учун **4,0** млн.сўм;

2. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Госпиталь бозори кўчаси, 11/2 уйда жойлашган, барча хўжалик юритувчи субъектларда аудит текширувлар ўтказиш учун 2019 йил 11 апрелда 00809-сонли лицензия берилган «XB FINANSE KONSULTING» МЧЖдан Аудит фаолияти миллий стандарти (НСАД) аудит ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МСФО), халқаро аудит стандартлари (МСА) бўйича аудитлар учун умумий **120,0** млн.сўм ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хизматлар учун **5,0** млн.сўм;

3. Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 29 уйда жойлашган, барча хўжалик юритувчи субъектларда аудит текширувлар ўтказиш учун 2019 йил 5 апрелда 00766-сонли лицензия берилган «SAMIMIY AUDIT» МЧЖдан Аудит фаолияти миллий стандарти (НСАД) аудит ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МСФО), халқаро аудит стандартлари (МСА) бўйича аудит учун **115,0** млн.сўм ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хизматлар учун **3,0** млн.сўм.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарорни қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколати киради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ жамият ташқи аудитини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш биржа савдолари орқали амалга оширилиши керак.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

9. Кун тартибидаги акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисидаги тўққизинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси М.Т. Асқаров сўзга чиқиб, маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 76-моддасида жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Қонунчиликка асосланган ҳолда, жамият Кузатув кенгаши аъзолари таркибини ўзгартириш бўйича акциядорлардан таклиф келмаганлиги ҳамда 2021 йил якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилишида 3 йил муддатга сайланган қуйидаги номзодларнинг

ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтириш таклифини киритиб, овоз бериш кумулятив тарзда ўтказилишини айтиб ўтди:

Кузатув кенгаши		
т/р	Ш.И.О.	Лавозими
1	Хасилов Хуснутдин Нуриддинович	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси в.б.
2	Молайханова Гульнара Ансаровна	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Трансформация офиси раҳбари
3	Қаршиев Олег Келдиярович	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Техника ва технология назорати бошқармаси бошлиғи
4	Сабуров Жўрабек Мақсудович	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари
5	Махмудов Фарход Баходирович	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Иқтисодий таҳлил ва прогноزلаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
6	Садиков Икром Каримович	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Вагон хўжалиғи бошқармаси бошлиғи ўринбосари
7	Одилов Фаррух Баходирович	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари
8	Каримов Отабек Абдухақим ўғли	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Саноат фаолиятини ташқил этиш ва назоратини бошқариш бошқармаси бош муҳандиси
9	Аскарлов Музаффар Турсунбоевич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 74-моддасига мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин ва бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланган. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан жамият фаолиятига бўлган эътиборини ҳамда иш самарадорлигини ошириш мақсадида жамият Кузатув кенгаши аъзолари ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши учун 2022 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган санадан бошлаб кейинги 2023 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига қадар ҳар чоракда жамият Кузатув кенгаши раисига 10 та меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МХТЭМ), Кузатув кенгаши аъзоларига 8 та МХТЭМ баробари миқдорда шунингдек, 2022 йил якуни бўйича Кузатув кенгаши раисига 8 000 минг сўм ва аъзоларига 6 000 минг сўм миқдорларида бир марталик тўловни амалга ошириш таклифи киритилди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

10. Кун тартибидаги акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги ўнинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси М.Т. Аскарлов сўзга чиқиб, жамият тафтиш комиссияси аъзолари таркибини ўзгартириш бўйича акциядорлардан таклиф келмаганлиги инobatга олиб, куйидаги номзодларнинг ваколатларини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар сайлаш тўғрисида таклиф киритди:

Тафтиш комиссияси		
т/р	Ш.И.О.	Лавозими
1	Ходжабеков Ровшан Рахматович	Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари ёрдамчиси
2	Шакиров Азамат Аскаралиевич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси бўлим бошлиғи
3	Ишимов Зоир Очилдиевич	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Молия бошқармаси бўлим бошлиғи

Жамият тафтиш комиссия аъзолари томонидан жамият фаолиятига бўлган эътиборини ҳамда иш самарадорлигини ошириш мақсадида жамият Тафтиш комиссияси аъзолари ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши учун 2022 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган санадан бошлаб кейинги 2023 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига қадар ҳар чоракда жамият тафтиш комиссияси раисига 4 та МХТЭМ ва тафтиш комиссияси аъзоларига 3 та МХТЭМ баробари миқдорда, шунингдек 2022 йил якуни бўйича тафтиш комиссия раиси ва аъзоларига 4 000 минг сўм миқдорда бир марталик тўловни амалга ошириш таклифи киритилди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

11. Кун тартибидаги акциядорлик жамиятининг 2022 йил якунлари бўйича соф фойдаси тақсимланишини тасдиқлаш тўғрисидаги ўн биринчи масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси М.С. Сайдабаров сўзга чиқиб, 2022 йил якунлари ҳисоботи бўйича соф фойда жамиятнинг режадаги 250,2 млн. сўм ўрнига 259,9 млн. сўм миқдорда ташкил этди.

Шундан сўнг, соф фойдани қуйидагича тақсимлаш таклиф этилди:

т/р	Соф фойдани тақсимлаш бўйича тадбирлар	2022 йил учун тақсимлаш	
		%	Сумма
1	Дивиденд тўловлари	90	233 905 500,0 сўм
	акциялар сони		(2 968 227 дона)
	1 дона акция учун дивиденд		(78,80 сўм/акция)
2	Меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасига	5	12 994 750,0 сўм
3	Жамият захира фондига	5	12 994 750,0 сўм
	Жами	100,0	259 895 000,0 сўм

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

12. Кун тартибидаги акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар акциядорлик жамиятининг ягона ижро этувчи органи – бош директори билан меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш тўғрисидаги ўн иккинчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси М.Т. Асқаров сўзга чиқиб, жамият ва жамият бош директори Атаджанов Шамурат Хангелдиевич билан тузилган меҳнат шартномасини ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 79-моддасида жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада

белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Юқоридаги Қонунчиликка асосан, жамият бош директори Шамурат Хангелдиевич Атаджанов билан 2022 йил 29 июнда жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тузилган меҳнат шартномасини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтиришни таклиф қилди.

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

13. Кун тартибининг ўнинчи масаласи бўйича Жамият бош директори в.б. Ш.Д. Исмаилов сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 775–сонли Қарори (ижросини таъминлаш) талабларини бажариш мақсадида, Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткич ҳисоб – китоблари қуйидаги талкинда амалга оширилди:

- сотишдан тушган соф тушум режаси 125,0 фоиз;
- соф фойда режаси бажарилиши 104,0 фоиз;
- ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти 112,0 фоизга;
- экспорт кўрсаткичининг бажарилиши 135,0 фоизга бажарилди.

2022 йил якуни мобайнида Жамият ижро органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари асосий кўрсаткичлари 112,4 фоизга ҳамда қўшимча кўрсаткичлари 128,5 фоизга бажарилган. *(2022 йил якуни асосий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисоботи ва қўшимча самарадорлик кўрсаткичлари тақдим қилинади).*

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

14. Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича молиявий–хўжалик фаолиятининг 2022 йил якунлари юзасидан жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги масала юзасидан Ғ.П. Турсунов сўзга чиқди.

Жамият 2022 йилдаги фаолияти натижаларига кўра корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш учун “SILK Capital” МЧЖ билан шартнома тузилган. “SILK Capital” МЧЖ томонидан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича берилган хулосага мувофиқ, жамият фаолиятининг самарадорлиги 617 баллга тенг ва «юқори» деб топилди. Бу кўрсаткич фоиз шкаласида 51 фоизни ташкил этди. *Ҳисобот илова қилинади.*

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

15. Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича жамият бош директори в.б. Ш.Д. Исмаилов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сон қонунига кўра жамият уставини мувофиқлаштириш кераклигини таъкидлаб ўтди. Йиғилиш қатнашчиларига жамиятнинг янги таҳрирдаги устави тақдим қилинди. *(Янги таҳрирдаги УСТАВ илова қилинади).*

Масала кўриб чиқилиб овозга қўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

16. Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича жамият бош директори в.б. Ш.Д. Исмаилов сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгаши аъзоларини акциядорларнинг кейинги навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда жорий хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аффилиланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган ишлаб чиқаришдаги зарурият, фаолиятни сифатли ва самарали олиб бориш

мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибий тузилмасига кирувчи аффилиланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган шартномалар рўйхати билан таништирди. (Рўйхат Кузатув кенгаши мажлисининг 2-сонли баённомасида кўрилган 5-илова тақдим қилинади).

Масала кўриб чиқилиб овозга кўйилди, овоз беришингизни сўрайман.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Кун тартибидаги санок комиссияси таркибининг сони ва номзодларини тасдиқлаш тўғрисидаги биринчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Санок комиссияси қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

1. Генжебаев Абат Парахатович;

2. Сайдабаров Музаффар Саидрасулович;

3. Ходжаева Наргиза Улугбековна.

2. Кун тартибидаги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш тўғрисидаги иккинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлансин:

- йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича асосий маърузачиларга 10 дақиқагача, ҳар бир масала бўйича саволлар ва муҳокама учун 5 дақиқагача;

- муҳокама учун ҳар бир масаладан кейин сўзга чиқиш таклифи тасдиқлансин.

3. Кун тартибидаги жамият бош директорининг 2022 йил учун молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари ва бизнес режани бажариш бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги учинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамият бош директори 2022 йил яқунлари бўйича 8 000 минг сўм баробари миқдорида рағбатлантирилсин, ҳамда жамият бош директорининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

4. Кун тартибидаги жамиятнинг 2022 йил яқунлари бўйича йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисидаги тўртинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.
Қаршилар – 0 овоз
Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамиятнинг 2022 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботи, жамиятнинг фойда ва зарари, бухгалтерия баланси тасдиқлансин.

5. Кун тартибидаги жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини 2022 йилда аудиторлик текшируви натижалари бўйича жамият ташқи аудиторининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги бешинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.
Қаршилар – 0 овоз
Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамиятнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ўтказилган аудиторлик текшируви натижалари бўйича берилган аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

6. Кун тартибидаги жамият Тафтиш комиссиясининг 2022 йил якунлари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги олтинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.
Қаршилар – 0 овоз
Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамиятнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича текширув натижалари тўғрисида тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

7. Кун тартибидаги жамият Кузатув кенгашининг 2022 йилда амалга оширилган ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги еттинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.
Қаршилар – 0 овоз
Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Кузатув кенгашининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

8. Кун тартибидаги акциядорлик жамиятининг 2023 йил якунлари бўйича фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган тўловнинг максимал миқдорини тасдиқлаш тўғрисидаги саккизинчи масала юзасидан

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.
Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди:

- Жамиятнинг 2023 йил учун молиявий ҳисоботлари Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва уни Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудитдан ўтказилсин;

- Аудит фаолияти миллий стандарти (НСАД) аудит ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МСФО), халқаро аудит стандартлари (МСА) бўйича аудитлар учун умумий **110,0** млн.сўм ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хизматлар учун **4,0** млн.сўмдан кўп бўлмаган миқдорда нарх белгилансин;

- аудиторлик ташкилоти билан шартномани Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан белгиланган тартибда амалга оширилсин.

9. Кун тартибидаги акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисидаги тўққизинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамият кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги номзодларнинг ваколатлари акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтирилсин ва 2022 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган санадан бошлаб кейинги 2023 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига қадар ҳар чоракда жамият Кузатув кенгаши раисига 10 та (МХТЭМ), Кузатув кенгаши аъзоларига 8 та МХТЭМ баробари миқдорда шунингдек, 2022 йил якуни бўйича Кузатув кенгаши раисига 8 000 минг сўм ва аъзоларига 6 000 минг сўм миқдорларида бир марталик тўлов амалга оширилсин:

1. Хасилов Хуснутдин Нуриддинович;
2. Молайханова Гульнара Ансаровна;
3. Қаршиев Олег Келдиярович;
4. Сабуров Жўрабек Максудович;
5. Махмудов Фарход Баходирович;
6. Садиков Икром Каримович;
7. Одилов Фаррух Баходирович;
8. Каримов Отабек Абдухаким ўғли;
9. Аскарлов Музаффар Турсунбоевич.

10. Кун тартибидаги акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисидаги ўнинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамият тафтиш комиссияси аъзолари ваколатларининг қуйидаги таркиби жамиятнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтирилсин ва 2022 йил

жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилган санадан бошлаб кейинги 2023 йил жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишига қадар ҳар чоракда жамият тафтиш комиссияси раисига 4 та МХТЭМ ва тафтиш комиссияси аъзоларига 3 та МХТЭМ баробари миқдорда, шунингдек 2022 йил якуни бўйича тафтиш комиссия раиси ва аъзоларига 4 000 минг сўм миқдорда бир марталик тўлов амалга оширилсин:

1. Шакиров Азамат Аскаралиевич;
2. Ходжабеков Ровшан Рахматович;
3. Ишимов Зоир Очилдиевич.

11. Кун тартибдаги акциядорлик жамиятининг 2022 йил якунлари бўйича соф фойдаси тақсимланишини тасдиқлаш тўғрисидаги ўн биринчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамиятнинг 2022 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича 259 895 минг сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

т/ р	Соф фойдани тақсимлаш бўйича тадбирлар	2022 йил учун тақсимлаш	
		%	Сумма
1	Дивиденд тўловлари	90	233 905 500,0 сўм
	акциялар сони		(2 968 227 дона)
	1 дона акция учун дивиденд		(78,80 сўм/акция)
2	Меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасига	5	12 994 750,0 сўм
3	Жамият захира фондига	5	12 994 750,0 сўм
	Жами	100,0	259 895 000,0 сўм

12. Кун тартибдаги акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар акциядорлик жамиятининг ягона ижро этувчи органи – бош директори билан меҳнат шартномасини узайтириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш тўғрисидаги ўн иккинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз

Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: жамият бош директори Шамурат Хангелдиевич Атаджанов билан 2022 йил 29 июнда жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида тузилган меҳнат шартномасини акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтирилсин.

13. Жамиятнинг 2022 йилдаги асосий фаолият кўрсаткичларининг бажарилишини тасдиқлаш тўғрисидаги ўн учинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:

Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.

Қаршилар – 0 овоз
Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: 2022 йил якуни мобайнида Жамият ижро органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари муҳим кўрсаткичлари маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин

14. Молиявий–хўжалик фаолиятининг 2022 йил якунлари юзасидан жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосасини тасдиқлаш тўғрисидаги ўн тўртинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.
Қаршилар – 0 овоз
Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: жамиятда корпоратив бошқарув тизимини 2022 йил якунлари бўйича баҳолаш натижалари ҳисоботи тасдиқлансин.

15. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш тўғрисидаги ўн бешинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.
Қаршилар – 0 овоз
Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави тасдиқлансин.

16. Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда жорий хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аффилиланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган шартномаларни тасдиқлаш тўғрисидаги ўн олтинчи масала юзасидан:

Ушбу қарор учун овоз берилди:
Ёқловчилар – 2 672 295 овоз.
Қаршилар – 0 овоз
Бетарафлар – 0 овоз.

Қарор қилинди: Жамиятнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда жорий хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аффилиланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган шартномалар рўйхати 5- иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибига киритилган масалалар тўлиқ кўриб чиқилганлиги муносабати билан йиғилиш якунланди.

Йиғилиш раиси



М.Т. Асқаров

Йиғилиш котиби



Э.Ж. Холбоев

Баённома имзоланган сана: 2023 йил 03 июль